

## Пудрат шартномаси 10-сон

Кармана тумани

2022 йил “31” март

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Күйи Зарапшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Назаров Жасур Зайниддинович бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган ООО "SMART WATER SYSTEM" номидан Низом асосида иш кўрувчи Темиров Рустам иккинчи томондан Күйи Зарапшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги Бўстон, Шават-1, Оқ-олтин, Каттасой насос станцияларини насос агрегатларига сувни онлайн мониторинг қилиш қурилмаларини ўрнатиш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чикиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бўстон, Шават-1, Оқ-олтин, Каттасой насос станцияларини насос агрегатларига сувни онлайн мониторинг қилиш қурилмаларини ўрнатиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил “31” марта “53140/1” сон баённома ЛОТ №53140) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 260 395 544 (Икки юз олтмиш миллион уч юз тўқсон беш минг беш юз кирқ тўрт) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда смета хужжатларида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “ ” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;  
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;  
- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлған курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлған даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлған ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади, бу 78 118 663 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисбланади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 0 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибида бекор килиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарага, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мъясул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига кўритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласи у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қўйматини қўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарапларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларини кўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита чаъсири этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга хаклидир.

#### XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибига мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камиди оий этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланниб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандага;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молияштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг \_\_\_% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_ фоизи микдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи микдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

**XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2 нусхада** тузилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Пудратчи:

ООО "SMART WATER SYSTEM"  
Манзил: Тошкент ш. Яккасарой туман  
Банк: АТИБ Ипотека банк Мехнат филиали  
Х/Р 20208000105277960001  
МФО 00423 ИНН 307723843



Рахоарп: Р.Темиров  
М.У. (имзо)

Қуйи Зарафшон ИТҲБ хузуридаги насос  
станциялари ва энергетика бошқармаси  
Кармана тумани Аргун МФЙ  
Банк: Марказий банк ББ ҲҚҚМ  
Х/Р: 100021860122347042402170005  
МФО: 00014 ИНН: 200035464

Рахбар: Ж.Назаров  
М.У. (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ти Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш Қўйи Зарафшон ИТҲБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ва ООО "SMART WATER SYSTEM" билан Бўстон, Шават-1, Оқ-олтин, Каттасой насос станцияларини насос агрегатларига сувни онлайн мониторинг қилиш қурилмаларини ўрнатиш ишлари учун 2022 йил 28-марцдаги 9-сон шартнома, умумий суммаси 260 395 544 (Икки юз олтмиш миллион уч юз тўқсон беш минг беш юз кирк тўрт) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ти қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, ушбу Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хуқуқига эга эканлигини ва банқдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хукуқшунос :

Х. Эргашев

М.ў.

“ \_\_\_\_ ” 20\_\_ йил

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 53140 на приобретение Қуи Зарапшон  
ИТҲБ ҳузуридаги НС ва ЭБ балансидаги Бўстон, Шават-1, Оқ-олтин, Каттасой насос  
станцияларини насос агрегатларига сувни онлайн назорот қилиш қурилмаларини ўрнатиш  
ишлари**

**Способ проведения электронный**

Дата 31.03.2022

Время рассмотрения 25.03.2022 16:10

Конкурсная комиссия Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH	Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари	НС ва ЭБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ELMURADOV ALISHER SAIDOVICH	Бухгалтерия хисоби ва иқтисодий таҳлил хизмати bo'limiga Бош мутахассис	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	SHONIYOZOV ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH	Насос станцияларни эксплуатация қилиш ва механик ускуналарни таъмирлаш bo'limiga Бош механик	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH	Кармана Цех станокли заготовка ва металларга ишлов бериш, ускуналарни таъмирлаш bo'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	JURAYEV SALIM TURAKULOVICH	Автоматика ва назорат ўлчов аппаратлари, иншоатлар ва ускуналарнинг релейли ҳимояаси bo'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH	Моддий техник таъминот ва таъминлашни ташкил этиш бўлими bo'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH	Кармана Подстанция ва электр тармоқлари участкаси bo'limiga Участка бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LII	Насос станцияларидаги электротехника жихозларини эксплуатация қилиш bo'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.03.2022 года № лота 53140.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Установка для поверки счетчиков воды</b>
Подробное описание	Установка устройства для проверки воды онлайн-контроля в насосным станции Бустон агрегат №1,2 2шт, Шават-1 агрегат №1,2 2шт, Околтин агрегат №1,2,3,4 4шт, Каттасой агрегат №1,2,3,4 4шт
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	295 395 544.00

единицу	
Стартовая сумма	295 395 544.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши

Тип: Текстовое значение

Описание: доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	Корхонада 5 нафар доимий ва 20 нафар мавусмий ишчилар мавжуд	9	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Копия приказа на сотрудников	10	Экспертная		

Критерий №2 қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар

Тип: Текстовое значение

Описание: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумо тилова қилинади	8	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Отсутствуют	10	Экспертная		

Критерий №3 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумот илова қилинади	8	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Производственные ресурсы	10	Экспертная		

Критерий №4 шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқقا эгалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқقا эгалиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумот илова қилинади	7	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Правомочность заключения договоров	10	Экспертная		

Критерий №5 ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумо илова қилинади	7	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Не является банкротом	10	Экспертная		

Критерий №6 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	солиқ ва бошқа ташкилотлардан қарздорлик мавжуд эмас	8	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Задолженности отсутствуют	10	Экспертная		

Критерий №7 таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR	10	маълумот илова	9	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
USMON		қилинади				
ООО SMART WATER SYSTEM	10	Справка Центр государственных услуг	10	Экспертная		

Критерий №8 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумот илова қилинади	7	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	не состоит	10	Экспертная		

Критерий №9 бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	10	маълумо илова қилинади	7	Экспертная		
ООО SMART WATER SYSTEM	10	14	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MCHJ TEMUR USMON	295 395 544.00	260 395 544.00	23.03.2022 15:37:35	100.00
ООО SMART WATER SYSTEM	295 395 544.00	288 000 000.00	24.03.2022 01:33:10	90.42

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MCHJ TEMUR USMON	Прошел	100	100

ООО SMART WATER SYSTEM	Прошел	90.42	90.42
------------------------	--------	-------	-------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 53140 от 31.03.2022 года на приобретение Қуи Зарапшон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ балансидаги Бўстон, Шават-1, Оқ-олтин, Каттасой насос станцияларини насос агрегатларига сувни онлайн назорот қилиш қурилмаларини ўрнатиш ишлари определила победителем:

ООО SMART WATER SYSTEM  
307723843

и резервный исполнитель: ООО SMART WATER SYSTEM (307723843)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHONIYOZOV ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH	Согласен	
Член комиссии	JURAYEV SALIM TURAKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП